

» Президент

ПРЕЗИДЕНТ РЕСПУБЛИКА КУНИГА БАҒИШЛАНГАН БАЙРАМ КОНЦЕРТИНИ ТОМОША ҚИЛДИ

Давлат раҳбари Қасим-Жұмарт Тұқаев Республика кунига бағишиланған "Азиз Ватан – Қозоғистон!" номи наим байрам концертига ташриф буюрди.



"Астана опера" театрида ўтказылган тантаналы кечада Қозоғистоннинг таниқи маданият намояндандары, түрлі ижодий жамоалар ўз чишишларини намойиш этди.



ПРЕЗИДЕНТ ФАРМОНИ БИЛАН РЕСПУБЛИКА КУНИ АРАФАСИДА БИР ГУРУХ ФУҚАРОЛАРГА ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРЛДИ

Миллий байрам – Республика куни арафасида Президент Қасим-Жұмарт Тұқаевнинг Фармони билан мамлакатни ижтимоий-иктисодид вә маданият ривожлантириш, халқлар ўртасында дүстлик ва бирдамлык мұстаҳкамлашынан күшгана үлкен хиссаси вә фаол жамоатчилек хизмети учун бир гурух фуқаролар давлат мүкофотлары билан тақдирланды.

Улар орасыда тәулил, соғылни сақлаш, маданият вә фан арбоблары, ишлаб қарыши вә табдиркорлық соғыларнинг таниқи вакиллары, депутаттар, давлат вә хукуқи мухофаца қылыш органдары ходимлары, ҳарбий хизметчилар, спортчилар, меңнат фахрийлари бор.

Akorda.kz. маълумотлари асосида.

ҚОЗОҒИСТОН – ЎЗБЕКИСТОН ЧЕГАРАСИДА БОЖХОНА ТЕРМИНАЛИ ОЧИЛАДИ

Қарақалпоғистон пойтахти Нукус шаҳридаги "Доруд ота – Тажен" чегара бекатида барло ётилаётган божхона терминалынин курилиши ниҳоясига етмоқда.

Ўзбекистон Божхона құмытаси хабарига күра, 6 гектар майдондың етегалаган терминал замонави текшириш мосаламалары билан жиҳозланған.

Жұмыладан, божхона бекети жиһинде 350та юк автомашинасига мұлжалланған автотураргох, мәхмоналар, техник хизмет күрсатын шохобчалар мавқуд.

Янги иншиот ушбу божхона орқали юк ташыш ҳажмины оширишга хизмет қылады.

Эсплатиб ўтамиз, Ўзбекистон Қозоғистоннинг "Ипак йўли" стансиясига тулаштан Ғишткүпrik назорат-ўтказиш пунктити олиб борилаётган таъмирлараш ишларини жорий ийлда якунлады.

24.kz. маълумотлари асосида.

» 24 октябрь – БМТ ташкил топған кун

ХАВФСИЗЛИКНИНГ МУСТАҲКАМ ҚҮРГОНИ

Сайёрамизнинг энг дунёвий тузилмаси – Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ташкил топғаныга 79 йил түлди. Ушбу нұфузлы халқаро ташкилот 1945 йил 24 октябрда фашизм устидан ғалаға қозонған мустақил давлатларнинг ихтиёрий бирлашуви асосида тузилған.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти – халқаро ҳамаияттын жамаовий саяй-харакаттары самаrasи бўлиб, бунда инсоният даҳшатли уруш тақрорланишининг олдини олиши максадидан ташкил этилган. Шу маънода, БМТ өр юзида тинчлик вә хавфсизлик, хотиржамлик вә осойиштаслик, инсон хукуқларини ҳимоя килиш вә барқарор тараққиётни таъминлаш йўлида аъзо давлатлар саяй-харакатларини бирлаш-

тириш учун хизмат қиласидан универсал халқаро тузилма ҳисобланади.

Айни маҳалда, Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо давлатлар ўртасида дўйста муносабатларни ривожлантиришина таъминлаш учун зарур бўлган тинчлик, адодат вә фаронвонник мухим ҳамаияти хисобланувчи инсон хукуқлари вә асосий әркиниларининг хурмат қилиниши вә уларнинг

ялли аҳамиятини тан олиш" маъжбутийини ўз зиммаларига оидилар.

БМТ Низоми барча давлатлар риоша этиши шарт бўлған яхно халқаро хужжатdir.

Қозоғистон Республикаси БМТнинг тенг хукуқли аъзоси сифатида нұфузли халқаро ташкилотнинг мақсад вә қоидларига катъый амал килиб келмоқда. БМТ Баш Ассамблеясида Қозоғистон Республикаси Президенти Қасим-Жұмарт Тұ-

яев томонидан минтақавий хавфсизлик вә барқарорлик муаммоларини ҳал этиш йўлйири дунё миқёсидаги муаммолар билан бирга кўшиб, очиб берилди. Қозоғистоннинг кенг кўллами ҳамкорликка оид ҳамма тақлифларида уни БМТ фоалиятти вә мазкур ташкилотнинг ихтисослашган мусассапари орқали амалга ошириш таомиллари иловага қилинди.

— (Давоми 2-бетда). ▶

● Обуна–2025

«ЖАҢУБИЙ ҚОЗОҒИСТОН» – ДОНО ДҮСТИНГИЗ, ҲАМКОРИНГИЗ!

Қадрли муштарий!

2025 йилнинг биринчи ярим ўйларига даврий нашарларга обуна бошланди.

Мустақиллик билан тенгдош халқ минбари вә овози, фарҳи саналыши нашар омма вә давлат ўртасидаги олтин кўпприк – доно маслаҳатгўй вазифасини ҳалол вә вижданон

25 октябрь – Республика куни

Жанубий Қозоғистон

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

janubiy.kz

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2024 йил 24 октябрь, пайшанба, №125 (3471).

АЗАЛИЙ ДҮСТИЛКИ, ҚАРДОШЛИК, ЯХШИ ҚҰШНИЧИЛИК ЯНГИ БОСҚИЧДА

ҚОЗОҒИСТОН ВА ЎЗБЕКИСТОН БОШ ВАЗИРЛАРИ
САМАРҚАНД ШАҲРИДА ЎТГАН "ЎЗБЕКИСТОН – ҚОЗОҒИСТОН"
IV ҲУДУДЛАРАРО ҚЕНГАШИДА ИШТИРОК ЭТДИ



Иккى мамлакат президентларининг ўзаро төвар айрбошлаш ҳажмини ошириш борасида эришилган келишувларини амалга оширишининг бориши кўриб чиқилди. Саноат кооперацияси, сув-энергетика, транзит ва транспорт соҳалари, газ саноатидаги ўзаро ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Қозоғистоннинг Марказий Осиё минтақасидаги асосий савдо ҳамкори ҳисобланади. Жорий йилнинг саккиз ойи якунлари бўйича ўзаро товар айрбошлаш ҳажми 2,5 миллиард долларни ташкил этди.

– Қозоғистон ва Ўзбекистон барча соҳаларда ҳамкорликда ишлаш учун кенг истиқболга эга. Бунга, биринчи навбатда, давлат раҳбарлари Қасим-Жұмарт Тұқаев ва Шавкат Мирзиёев ўртасидаги ўзаро ишончга асосланған сиёсий мулокот ёрдам бермоқда. Астанадаги бизнес-анжуман доирасида имзоланган 7 миллиард долларлик сармоявий битимлар ва тикоррат шартномалари катта экспорт салоҳияти мавжуд. Қозоғистон кўшимча қийматга эга 40 турдаги Қозоғистон товарлари бўйича Ўзбекистонга экспорт етказиб бериш ҳажмини 550 миллион доллардан оширишга тайёр.

Ўзбекистон Бош вазири Абдулла Орипов бугунги кунда мамлакатлар ўртасидаги муносабатларнинг устувор йўналиши минтақалараро ҳамкорликни ривожлантириш эканини таъкидид.

Минтақасининг барқарор иқтисодий тараққиётини таъминлашга ўлкан хисса кўшади, – деди ҚР Бош вазири Ўлжас Бектенов.

Нефт-кимё, металлургия, автомобилсозлик, саноат, озиқовқат, кимё ва фармацевтика саноатида катта экспорт салоҳияти мавжуд. Қозоғистон кўшимча қийматга эга 40 турдаги Қозоғистон товарлари бўйича Ўзбекистонга экспорт етказиб бериш ҳажмини 550 миллион доллардан оширишга тайёр.

Ўзбекистон Бош вазири Аб-

дулла Орипов бугунги кунда мамлакатлар ўртасидаги муносабатларнинг устувор йўналиши минтақалараро ҳамкорликни ривожлантириш эканини таъкидид.

– Ўтган 7 йил мобайнида Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги ўзаро товар айрбошлаш ҳажми қарий 2,5 баравар ўсib, ўтган йили 4,4 миллиард долларга етди, бугунги кунда Ўзбекистонда Қозоғистон капитали иштирокидаги мингдан ортиқ корхона фаолият юритмоқда.

Чегаравий вилоятлар бир-бири билан – Қарақалпоғистон Мангистов вилояти билан, Тошкент Туркестон вилояти билан, Навоий Қизилурда билан бевосита ва яқин алоқалар ўрнаган. Бошқа вилоятларимизда ҳам алоқалар иззил мустаҳкамланбанд, савдо ва саноат кооперацияси ривожланмоқда. Айни пайтда ҳали фойдаланилмаётган имкониятлар мавжуд, – деди Абдулла Орипов.

— (Давоми 2-бетда). ▶



Нияти үлчүз ҳалқининг
келажаги фаровон

Қадрли ҳамюртлар!

Барчанғизни Республика куни билан чин қалбидан табриклийман! Ҳалқимиз учун ушбу байрамнинг тарихи ва моҳияти ўзагача.

1990 йил 25 октябрь куни қабул қилинган декларация Қозоғистоннинг мустақиллукни кўлга киритиш ўйлидаги дадил қадами вар тарихий ҳуҗжати бўлганини биламиз.

Декларацияда Қозоғистоннинг мустақил давлат сифатидаги сиёсий-хуқуқий асослари эълон қилинди. Ушбу ҳуҗжат билан давлатимиз ички аскарини, давлат ҳафузасиги вишилларини таъминлашга ўзга бўлди. Бу – миллати учун жонуни фидо қўлган, ҳалқига сидқидип хизмат қилинган мәърифат фидойиши вә жамоат арбоблари мөхнатининг мөвасидир. Мустақиллик – бебаҳо қадрият, улуг бойлик. Шу боис, унинг қадрига етишимиз керак.

Азиз ҳамюртлар!

Мустақил Қозоғистоннинг асосий бойликларидан бири – мұқаддас Түркистоннинг янгиланши. Туркий оламнинг поятмаҳия айланган мұқаддас шаҳар энди яңе макомга эга бўлмоқда. Туркестоннинг алоҳидаги макоми тўғрисидаги қонун Парламентда кўримоқда. Шу орқали тарихий шаҳарнинг макоми янада ортади.

Жорий йил вилоятимизнинг ташкил топғанига 6 йил тўлса, минтақа ижтимоий-иктисодий, маданий-мәннавий, сиёсий соҳада юқори кўрсаткичларга эришиб, мамлакатимиз тараққиётига муносаби ҳисса кўшишади.

Қадрли туркестонликлар!

Алаш фарзанди, мұллат арбоби Алихан Бўйейханулининг "Адолат ўйқ жойда бирлик-барака бўлмайди", деган сўзи бор. Биз минтақани, республикани ривожлантираймиз, десак, энг аевало, барчамиз адолатни таъминлашимиз керак. Адолат – ўз хизматини вижданонадан ади этиши, элга сидқидидан хизмат қилиш демакдир. Шу муносабат билан барчанғизни Республика куни билан табриклиб, минтақа фаронвонлиги ўйлида астайдил мөхнат қилишига қаҳраман!

Туркестон минтақасининг бирлиги ярашган ҳалқи бор экан, тарихий минтақанинг истиқболи ёрқин бўллади.

Барчанғизга узок умр, соглик-саломатлик, муваффақият тилайман!

Республика куни муборак бўлсин!

Дархан САТИБАЛДИ,
вилоят ҳокими.


Нурали АБИШОВ,
вилоят маслаҳати раиси.



НАШР КЎРСАТКИЧИ: 65466

Туркестон вилоятининг «Жанубий Қозоғистон» ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририятидаги рақобатбардош, изланувчан жамоа доим сизларнинг орзунингиздаги жиҳатларга эътибор қаратишга, мәннавий хизмат кўрсатишга шай.

6 ойга обуна баҳоси:
«Қаззоста» XЖ орқали –
Туркестон вилояти бўйича –
3415,50 тенге;
Шимкент шаҳри бўйича –
3415,50 тенге.



Бугунги кунда Туркис-
тон шахрида маданият
ва санъатни ривожлан-
тиришга алоҳида эъти-
бор қаратилмоқда.

Маънавиятга багишлан-
ган лойӣҳалар амалга ва
оширилмоқда. Республика
ва халқаро даражада-
ги симпозиумлар, санъат
фестиваллари ўтмоқда.
Шулардан бирине Республика
кунига багишланган хал-
қаро "Voice of Turan-2024"
фестивали.

Вилоят ҳокимининг би-
ринчи ўринбосари Зулпихар
Жўлдасов фестиваль меҳмонлари билан учра-
шиб, Индонезиянинг Қозғистондаги Фавқуподда ва
мухтор элчиси Моҳамад
Фаджрул Рахмани қабул
килди. Икки давлат ўрта-
сидаги сайдёнлик алоқа-
ларини мустаҳкамлашга
келишилди.

– Икки давлат ўртасида-
ги маданий-маънавий ало-
қаларни ривожлантиришга

ИНДОНЕЗИЯ ЭЛЧИСИ – ТУРКИСТОНДА



доир тақлифларингизни
қўллаб-куватлаб, ҳамкор-
ликда фаолият юритиши
га тайёрмиз. Келгусида
давлатларору муносабат-
ларнинг мустаҳкамланиб,
маданий-маънавий ўна-
лишда кўшма лойӣҳаларни
амалга оширилишига
ишончим комил, – дега Зул-
пихар Сансизбайли мек-
мунларни минтақаҳининг ма-
даний-саидёнлик салоҳити
билан танишилди.

"Турон овози" фестива-
лини томоша қилиш учун
ташириф буюрган элчи жа-
ноблари ўз наубатида янги
Туркистон шахри ҳакидаги
таассуротлари билан ўр-
тоқлашди.

Вилоят ҳокимининг
матбуот хизмати.

ҚЎШИҚ ФЕСТИВАЛИ ЎТДИ



Вилоят ҳокимигининг ташаббуси билан Туркистон шах-
идаги "Конгресс холл" мажмусида Республика кунига
багишланган халқаро "Voice of Turan-2024" фестивали ўтди.

Тантанада иштирок этган
вилоят ҳокимининг биринчи
ўринбосари Зулпихар Жўлда-
сов томошабинларни санъат
байрами билан кутлаб, иш-
тирокчиларга муваффақият
тилади.

Халқаро танловда Қир-
ғизистон, Ўзбекистон, Тата-
ристон, Башқирдистон, Тыва,
Озарбайжон, Грузия, Белорус-
сия, Армения, Кипр, Туркия,
Болгария, Косово, Индоне-
зия, Испания, Куба, Венесуэла
мамлакатларидан халқаро кў-
шиқ танловларида голиб бўл-
ган 18-35 ёш оралигидаги эст-
рада жаҳридаги ижроҷилар,
кatta концерт дастурларида

таҳриба тўплаган 16 нафар
хонандадар иштирок эти.

Танлов шартларига кўра,
улар мамлакатимизнинг санъат
усталари билан бирга дуэт
икро этиши. Лойӣҳанинг бош
продюсери – Мейиржан Алиак-
баров.

Омадини синаган ижроҷи-
лар истеъодларини таникли
хонандадар, бастакорлар ва
продосерлардан иборат ҳа-
камлар ҳайъати аниқлади.

Голибларга маҳсус соврин-
лар ва рағбатлантирувчи сов-
ғалар тақдим этилди.

Вилоят ҳокимининг
матбуот хизмати.



ЮГУРИШ БЎЙИЧА МАРАФОН ЎТДИ

25 октябрь – Республика куни арафасида Кентов шах-
рида югуруш бўйича марафон ўтди.

Шаҳар ҳокими Жандўс Тасов тадбирнинг очилиш мароси-
мida иштирокчиларга муваффақият тилади. Шаҳар раҳба-
рининг айтишича, бугунги кунда Кентовда оммавий спортив
ривожлантиришга қаратилган тадбирлар анъанага айланган.

Ушбу марафон шаҳарга қарашли Хонторги қишлоғига бош-
ланиб, Қарату қўриқонасида яқунланди. Унда 300дан зиёд
спорти иштирок эти. 17 ёшдан ошганлар 5 чақирим, 16
ёшчага бўлган ўсмиirlar 3 чақиримчага масофага югуришда
иштирок эти. Натижада 20 нафар голиб аниқланиб, уларга
диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Вилоят минтақавий алоқалар хизмати.

СПОРТ ИНШООТЛАРИ ҚўПАЙМОҚДА



Тулишиб туманида тадбиркорлар ташаббуси билан спорт
иншоотлари барпо этилмоқда. Шулардан бир – Озодлик
қишлоғидаги "Спорт сервис Аззаттық" спорт мажмуси.

Ўтган йили Озодлик қишлоғи фуқароси Отамурод Бекмуродов
шахсий маблаги хисобидан барпо этган иншоотда 600га яқин
мактаб ёшидаги болалар спортивн 8 тури(бокс, куруш, дзю-
дзакандо, волейбол, стол тенниси, футбол, гимнастика)дан тўга-
ракларга қатнашиб, буш вактларини унумли ўтказишмоқда.

Бундан ташқари, иншоотнинг кўшумча биносида тикувчилик це-
хи очилиб, буюртмалар асосида қизғин фаолият давом этимоди.

Умуман, спорт мажмуси қурилишга 200 млн тенгедан зиёд
маблаг сарфланган. Ушбу иншоотга туман ҳокими Нуржан Изти-
леуов ташриф буюриб, тадбиркорнинг фаолиятига ижобий баҳо
берди. Қасбини кенгайтириш учун давлат ёрдами зарур бўлса,
кўмакка шайлигини маълум қилиди.

Спорт мажмусида 30дан зиёд қишлоқ фуқаролари иш билан
таъминланган.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРГА БАҒИШЛАНДИ

Сайрам туман фавқуподда вазиятларнинг
олдини олиш ҳамда бартараф этиш комиссиясининг навбатдан ташқари мажлиси ўтди.

Мажлисга туман ҳокимининг ўринбосари Мадияр
Ўразалиев раислик қилди. Унда кузги-кўклимаги
сув тошқиннинг олдини олиши ўйналиртилган
чора-тадбирлар масаласи мухокама қилинди.

Урашувда туман ФВ бошқармаси раҳбари
Асан Тўлепбергенов, ҳоким девонининг ҳуж-
жатлаштириши таъминлаш, сафарбарлик
тайёрларигига ва ҳудудий мудофа бўйимининг
бош нозири Ильяс Марин, туман ўй-жой-ком-
мунақ ҳўжалиги бўлими раҳбари вазифасини
вақтинча бажарувчи Шингис Жаманкулов ҳамда
қишлоқ ҳокимларининг маъruzalari тингланди.

Шунингдек, тадбир иштирокчилари кўтарилиган
масалалар юзасидан фикр-мулоҳазаларини
билиди.

Мажлисга якун ясаган туман ҳокимининг
ўринбосари 2024 йил куз-қишиги сув тошқин-
нинг олдини олиш максадида қишлоқ ҳокимла-
ри зарур техника ва кум, инерт материаллар
ҳамда қолларни хозирлашини топшири.

Сайрам тумани ҳокимининг
матбуот хизмати.

Самарқанд к., 2024 жылы 22 қазан

Samarqand, 2024-yil 22-oktabr



АЗАЛИЙ ДЎСТЛИК, ҚАРДОШЛИК, ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИК ЯНГИ БОСҚИЧДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Тадбирда саноат кооперациясини ривожлантиришга алоҳида
эътириш қаратилиб, уларда сармоя ҳажми 3,4 миллиард доллар
бўлган 74 ташкимли маданиятни ошириш ва 14,6 минг янги иш
ўринлари яратиш кўзда тутилган. Шу жумладан, Қозғистон Респу-
бликасида 65та корхона очилиши режалаштирилган бўлиб, улар
мамлакатда 13,6 мингта янги иш ўринларини яратиш имконини
беради. Бугунги кунга қадар Қозғистонда 9та, Ўзбекистонда 3та
кўшма лойҳа амалга оширилди. Бу жами 4,8 мингта янги иш ўрни
яратиш имконини беради.

Қозғистон – Ўзбекистон саноат ҳамкорлигига Қўстаний шах-
рида кичик ҳажмдаги Chevrolet Onix автомобилларини ишлаб чи-
кариш, Сарон шахрида майиш техника ишлаб чиқарни заводи, Шимкент шахри ва
Туркистон вилоятида тикув ва йигирив фабрикалари, Ангрен шахрида газбетон ишлаб чиқарни корхонаси
мисол бўла опади. Бу ҳукуматларнинг муштарак фаолиятига янги
жўшқинлик беради, "Марказий Осиё" халқаро саноат коопера-
цияси маркази ташкил этилади, унда хизматлар "ягона дарча"
тамоилий бўйича кўрсатилади, тадбиркорларга солиқ, божхона ва
бошча имтиёзлар тақдим этилади.

Бундан ташқари, транспорт-логистика салоҳиятини тараққий
эттириш масалалари муҳокама қилинди. Ўзбекистон савдо ай-
ланнисининг 50 физий ортиги транзит йўли билан Қозғистон
худуди орқали ўтди. Турли транспорт турлари бўйича 18 йўловчи
ташиши ўйналиши ташкил этилган. тадбиркорларга солиқ, божхона
ва бошча имтиёзлар тақдим этилади.

"Қозғистон – Ўзбекистон" IV Ҳудудлараро ҳамкорлик анжумани
доирасида умумий қиймати 352 миллион доллардан ортиқ бўлган
76 ҳужжат имзоланди. Ҳужжат энергетика, тог-кон саноати, гео-
логия соҳаларида кўшма лойӣҳаларни амалга оширишни назар-
да тутади. Шунингдек, Қозғистон Республикаси ва Ўзбекистон
Республикаси худудлари ўтасида савдо-иқтисодий, илмий-тех-
никавий ва маданий-гуманинтар соҳаларда ҳамкорлик тўғрисида
битимлар имзоланди.

Таъқидлаш жоизи, мазкур анжуман долзарб вазифалар ва
ҳамкорлик истиблоларни фаол муҳокама қилиш майдонига айланди. Унда иккى мамлакат вазирларини
чекарди, Сарон шахрида майиш техника ишлаб чиқарни заводи, Шимкент шахри ва
Туркистон вилоятида тикув ва йигирив фабрикалари, Ангрен шахрида газбетон ишлаб чиқарни корхонаси
мисол бўла опади. Бу ҳукуматларнинг муштарак фаолиятига янги
жўшқинлик беради, "Марказий Осиё" халқаро саноат коопера-
цияси маркази ташкил этилади, унда хизматлар "ягона дарча"
тамоилий бўйича кўрсатилади, тадбиркорларга солиқ, божхона
ва бошча имтиёзлар тақдим этилади.

Анжуман доирасида Ўзбекистондаги Ш. Рашидов номидаги Са-
марқанд давлат университетида Абай номидаги илмий-маданий
марказ ҳамда Abai Universityда қозоқ тили ва адабиёти кафедра-
сининг тантанали очилиш маросими ўтди.

Primeminister.kz.

ХАВФСИЗЛИКНИНГ МУСТАҲКАМ ҚЎРҒОНИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

БМТ инсон ҳуқуқларини қўллаб-куватлаш, кенгайтириш ва ҳи-
моя қилиш мажбуриятини зиммасига олган оламдаги ягона таш-
килот – дунёнинг "умужаҳон парламенти" сифатида тақвимнинг
мъалум бир кунини инсонин учун, ҳалқ учун, умумжамият учун
зарур масалаларга багишилган.

БМТ бутунжакон ҳуқумати эмас, яни қонунлар қабул қилимайди.
Бироқ, ҳалқаро мажораларни бартараф этиш ва ер юзи аҳолисига
дахлдор масалаларни ҳал этиш сиёсатини ишлаб чиқишга
ёрдам бера оладиган маблагга эга. БМТга катта-кичиник, бой-кам-
багал, турли сиёсий қараш ва тузумга эга давлатлар аъзо бўлиб,
уларнинг барчаси овоз беришда иштирок этиши ҳуқуқига эга.

Бугунги мураккаб даврда – кўроли низолар кўлмали мисли кў-
рилмаган даражада кенгайтириш, ҳалқаро тинчлик ва барқарорликка
таҳдид тобора кучайб бораётган шароитда БМТнинг аҳамияти
ҳамда масъулияти янада ортмоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳозирги вақтда 193 давлатни
бирлаштирган, ўз аъзоларининг эгамен тенглигига асосланади.
БМТ давлатларнинг иккича ишларига араплашмайди. Унинг Низоми-
да қайд этилган барча мажбуриятларни зиммасига оладиган мам-
лакатлар БМТга аъзо бўла опади. Янги аъзолар БМТ Хавфсизлик
Кенгаши тавсиясига мувофиқ, БМТ Бош Ассамблеяси қарори
билан қабул қилинади. БМТ аъзолари ҳалқаро низоларни тинч йўл
билин ҳал этишлари лозим.

Қозғистон БМТ тузилмалари билан яқин ҳамкорлики давом
эттиради.

Қозғистон БМТни замонавий талаблар асосида испоҳ қилиш-
га қаратилган саъӣ-харакатларни қўллаб-куватлашмоқда. Янги
ташаббуслар ва кўшма лойӣҳаларни илгари суриш мақсадида
Қозғистон томонидан БМТ билан



Қадринг баланд бўлсин, республикам менинг!

Барчангизни миллий мақомга эга энг улуг байрамимиз – Республика куни билан табриклийман! Бу давлатчиликимиз анъаналари қайта тикланган, сарҳадларимиз дахлислиги, юрт бирлиги конундук асосдек қарор топган куттук кун.

“Қайта тикланган Республика куни ҳалқимиз маънавиятини юксатириучи, юртимиз мустаҳкамловчи ўта муҳим тарихий қадамдир. Бинобарин, ушбу кун фуқароларимизнинг ўзаро ҳамжихатлигини, бутун ҳалқимизнинг эркин ҳаёт ва мустақил тараққиётга интилишини намоён этадиган байран бўлади”, деди Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Тұқаев.

Жамият ва давлат фаровонлиги йўлида “AMANAT” партияси ўз сиёсий дастуринин асоси сифатида давлат мустақиллиги ва жамият эркинлигини юксалиб, қадрятлар сифатида белгилаб берди. Қозғистон Республикаси Парламенти Мажлиси Раиси ва партияни раиси Республика кунининг қайтиши мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўлумли сиёсий ислоҳотларга баъзами келишини таъкидлаб, қайта тикланган байрамимиз ҳалқимиз ҳам өтказиб, яхшилини намоён этадиган байран бўлади”, деди Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Тұқаев.

“AMANAT” партияси Туркестон вилояти бўлими ўз мақсад ва вазифалари доирасида умумий қадрятларни тараққиётимиз йўналиши сифатида белгилаб, вилоят ахлини миллий ва давлат манбаатлари йўлида сафарбар этиб, 83 минг нафардан ортиқ фуқароларни ўз сафига бирлашириб келмоқда. Вилоятимизда туман ва шаҳарларда 17та партия бўлими, 242та бошлангич партия ташкилоти фаол ижтимои-сиёсий тузилмаларни шакллантиришади.

Партия аъзолари Сайлоловди дастуримизга кирилган, сайлоловчиликимиз талабларидан келиб чиқкан ҳолда белгиланган вазифалар ижросини мувофиқлаштириб, Туркестон вилоятининг барқарор тараққиётiga хисса қўшмоқда. Фирқа ташаббуси билан ижроя ва давлат ҳокимиюти вакиллик органларининг минтақа ахолиси билан ўзаро ҳамкорлиги таъминланниб, қишлоқлардаги ижтимоий муаммолар ечими топилмоқда.

Партия бўлими ҳалқ овозини тинглайдиган, сайловчилар талабларини бажарадиган ўзаро манбаатли минбарга айланди. Унинг сиёсий кенгашиб боросида, вилоятимиз ҳаётига оид масалалар муҳокама этилиб, у жамият тараққиётни учун муҳим ечимларни таклиф этивучи сиёсий ташкилотга айланди.

Ахоли ишончини қозонган партия бўлими ахоли билан ўзаро алоқани йўлга кўйиш, жамияти томонидан кўтарилган муаммоларнинг мақбул ечимларини топишга даъват этишини стратегик устувор вазифа сифатида белгилаб беради. Юртбошимиз таъкидлаганидек, “Инсон давлат учун эмас, давлат инсон учун” тамойилини қатъий қарор топтиришга киришдик.

Партия Туркестон вилояти бўлими ташабbusи билан вилоятдаги 50дан зиёд давлат ва хукуқ-тартибиод идоралари раҳбарлари, депутатлар, хукуқшунслар ва адвоқатлар томонидан 8та туманинг 10та олис ахоли манзилларида йўғилишлар ўтказили. Ушбу учрашувларда 86та қишлоқнинг муаммолари муҳокама қилинди.

Яқинда атом электр стансиясини куриш бўйича ўтказилган умумий референдумида ҳалқимизнинг ҳамжихатлиги яққол намоён бўлди.

Партия вилоят бўлими томонидан ташкил этилган хотин-қизлар қонити, бошлангич партия ташкилотлари, қишлоқ ҳокимиюти анжу-манлари ўтказилиб, мазмунли мулоқот майдонлари яратили.

Вилоят аҳолисининг 30 фоизини ёшлар ташкил этиши инобатга олиниб, уларнинг заковатини мустаҳкамлаш мақсадида “Китап-AMANAT”, “AMANAT-AQYLMAN”, “Меслихат-CUP”, “Жайдарман” каби маданий-маърифий ва спорт тадбирлари ташкил этилмоқда.

Бугунги байрамда барча қозғистонлик оиласларга сиҳат-саломатлик ва фаровонлик тилаймиз! Қудратли юртимиз ва гўзал давлат сифатида улуғланишига кўшган ҳиссаларингиз учун самимий миннатдорчилигимиз иззор этиб, жонажон Ватанимиз – Қозғистон Республикаси тинч-тотув юрт сифатида янада юксалиб, тараққиётатверишини тилаймиз!

**Алтинсари УМБЕТАЛИЕВ,
“АМАНАТ” партияси Туркестон вилоят бўлими раиси,
вилоят маслаҳатидаги партия фракцияси раҳбари.**

Истиқлол бизга нима берди?

Мустақиллик ҳалқни буюк кучга, қудратли тўлқинга айлантириб юборди. Ҳалқ мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида ғов бўйиб турган ҳар қандай тўсиқни, қийинчилекни ёнгиси учун қудрат топа олди. Буни биз Қозғистон мисолида кўриб турибиз.

Курашлар билан кўлга кирилган мустақиллик эса айни вақтда Республика зимишаси оғир сиёсий, иқтисодий, ижтимоий муаммолар, қийинчилекларни юклайди.

“Қозғистон ҳалқи ҳозир мутлақо янги сиёсий вазиятда яшамоқда. Сўнгиги 5 йилда кенг кўлумли ислоҳотлар амалга оширилди. Мамлакатимиз сиёсий тизими тубдан ўзгарди. Жамоатчилик онгда туб ўзгаришлар рўй бермоқда. Аҳолининг ҳуқуқий маданияти юксалмоқда. Фуқароларда янги одат ва кўнималар шаклланмоқда, янги қадрятлар қарор топмоқда. Сиёсий ва ижтимоий ўзлигимиз, ўзига хослигимиз, маданий кодимиз ўзгара бошлади. Бир сўз билан айтганда, Адолатли Қозғистон яратилмоқда. Буларнинг барчаси, аввали, ҳалқнинг иродаси билан амалга оширилмоқда. Шунинг учун ҳам биз ортга қайтмаймиз, йўналишимиздан оғишмаймиз”, деди Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Тұқаев жорий йилги Мактубиди.

Қўшини давлатлар билан муносабатлар доирасини кенгайтириш, чукурлаштириш, янгиланиш жараёнидаги изчилик ва сиёсий маданиятилик Республика мустақиллигини янада мустаҳкамлайди, унинг обрисига обўр кўшади.

Мустақиллик ҳалқимизнинг орзу-умидларини ўзида мужассам қилган қадрят сифатида, биринчи гапда Республика фуқаролари сиёсий фаолиятининг демократик жараёнларини ҳам натижаси, айни вақтда бу жараёнларни такомиллаштиришнинг замини ҳамдир.

**Игорь ЛУНИН,
“Южный Казахстан” вилоят
ижтимоий-сиёсий газетаси мухбири.**

Бир бўлсак – ягона ҳалқимиз. Бирлашсак – Ватанимиз!

Бугунги кунда иқтисодий тараққиётимиз, маданиятизимиз ҳамда фаровонлигимиз юксалиб, бунёдкорлик соҳасида зўр ютуқларга эришмоқдамиз. Астана шаҳридек гўзал поятьхтимиз бор. Жанубий поятьхтимиз Алмати ҳам аввалигидан ўзгача қиёфа кашф этди. Айниқса, сўнгиги тўртбеш йилда Шимкентнинг ташки қиёфаси ҳам анча ўзгарди. Туркестон шаҳридаги замонавий бинолар, маданият ўйнолари ҳамда хордик масканлари шаҳарларликлар, зиёратчилар ва меҳмонларнинг энг севимли масканларига айланниб боряпти. Бундан ташқари, шаҳарда Мустақиллигимиз, миллий бойликларимизнинг қадр-қимматини намоён этадиган мажмуалар узлукисиз, бирин-кетин қад ростламоқда.



Давлатимиз раҳбарининг жаҳонда тинчлик ўрнатишга камарбаста бўлаётгани, таникли сиёсий арбоблар билан бу мавзудаги сұхбатларни жаҳон оммавий аҳборот во-ситалари таҳлил қилиб, эришилаётганди натижаларга холисона баҳо бермоқда. Юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, сиёсий ва маънавий ислоҳотлар Юртбошимиз учун ҳалқимиз, ватанимиз манфаатидан улуг мақсад ўзгаришни тилга олинмоқда.

Хориж оммавий аҳборот воситаларида Қасим-Жўмарт Тўқаевнинг жаҳонда хавфсизлик ва осойишталани таъминлаш, тобора кўпроқ ҳавф солаётганди турли даъватлар ва таҳдидларни бартараф этиши борасида сайй-ҳаракатлар, ҳам ҳалқаро, ҳам минтақа миқёсida тез ўзгариб бораётганди муррабак вазиятдан келиб чиқкан ҳолда янада ижобий мувофиқлаштириш ва ўйнунлаштиришга ишканчанини ўзгаришни таъминлаштиришга.

Жаҳон иқтисодий инқорози пайтида ҳам республика маданиятида ижтимоий-сиёсий аҳвол барқарор бўлиб туриди. Бу эса барчамизингин бахтимиз, ютуғимиз.

Миллий мақомга эга бўлган энг улуг байрамимиз – Республика куни барчанизга муборак бўлсин!

**Икромжон ҲОШИМЖОНОВ,
ҚР “Дўстлик” ҳамжамиятия раиси,
ҚҲА кенгаши аъзоси.**

Юртимизнинг боқий байрами

Республикамиз мустақиллигига 33 йил тўлмоқда. Ушбу тарихан қисқа давр мобайнинда Қозғистон жаҳон ҳамжамиятияда муносиб ўрининг эга кудратли давлат сифатида шаклланди. Иқтисодиётни ривожланди, ижтимоий аҳволи яхшиланиб, энглин онги ўсади.



Биз мустақиллик учун курашда ота-боболаримиз бошидан кечиган кўйинчиликларни китоблардан ўқиб билди. Қизил империянинг мустабиди сиёсати туфайли юртимизнинг ери таланди, ядрорий синовлар майдонига айланди. Тили ва дини эътиборсиз қолди, миллий қадриялари камситилди. Узоқ йиллар давом этган истибод давомида эркин, дини, тархи, тилидан айрилаётган ҳалқимизнинг дардига эгаменлик малзум бўлди.

Мустақилликнинг ўз-ўзидан келмагани ёки кимдир ҳадя этманини ёдда тутадиган, ота-боболаримиз орзуларини тўла рўёбга чиқардиган авломдиз. Элимиз мустақилликка эришган 33 йилда жуда катта довонлар, оғир давларни босиб ўтганига нафакат қоғизистонлар, балки дунён ҳамжамияти гувоҳ.

Мамлакатимиз олиб бораётган доно сиёсати туфайли буғун Қозғистон юздан зиёд миллалт ва элат учун Ватан бўлиб, Мустақил Қозоқ етнунга танилди. Ҳалқимизнинг барака-бирлиги орти. Ўтган олти йилга назар ташлайлик. Қисқа даворда юртимизда оламшумул ўзгаришлар рўй берди. Янгидан ташкил этилган Туркестон вилояти марказида олиб бораётган бунёдкорлик ишлари Қозғистон тарихида бўлмаган. Ўз-хайдан ташкиларни таълим-тарбия мусассасалари, шифо масканлари, маданият иншоотлари, истироҳат боғлари фойдаланишга топширилмоқда. Ҳалқ ҳўжалигининг турли тармомларида залвори ютуқлар кўлга киритилиб, мамлакатимизда иқтисодий ўшиш суръатлари сақланиб қолмоқда.

Алашингар ардокли фарзанди Ахмет Байтуриновнинг: «Бошқадан кам бўлмаслик учун биз билимли, бой ҳамда кучли бўлишишимиз керак. Билимли бўлиш учун ўқиш керак. Бой бўлиш учун касб керак. Кучли бўлиш учун бирлик керак. Ушбу кераклар учун ишлаш керак», деган нақли буғунга кунда бизнинг шиоримизга айланди. Бундай тараққиёт замирида, шуқроналик, ҳаётдан мамнунлик ётса, бўларнинг ўзагидан тинчлик сингари олий неъматлар қарор топмоқда. Демак, тинчлик барқарор экан, юртимизнинг турли ҳудудларида ободончилик, бунёдкорлик ишлари бардавор бўлаверади. Юртимизнинг бокий байрами – Республика куни қутлуг бўлсин! Барчангизга сиҳат саломатлик, оилавий баҳт тилайман.

**Баҳодир ИРИСМЕТОВ,
Туркестон вилоят ўзбек этномаданият
бирашмаси раиси.**

буйруқбозлик асосидаги тузум барҳам топиб, миллий истиқлол гояси асосида демократик давлат барпо этмази.

Мамлакат иқтисодиётининг тараққиётни ҳалқимиз турмуши, фаровонлигини янада яхшиланиши йўлида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларнинг самарордлиги республика Президентининг одилона сиёсати ва Қонунларимиз билан чамбарчаси болгик.

Қозғистон Республикаси Президентининг одилона сиёсати туфайли ҳамда Мустақиллигимизнинг шарофати билан Қонунларимиз қайта ислоҳ этиди.

Учинчидан, Қозғистон давлатининг пойдевори курилиб, мустақиллигимизни яхшиланиши айланади.

Тўртнинчидан, иқтисодиёт ўйлага солинди, молия, пум мумаласи, ишлаб чиқариш, ижтимоий инфратизулли таомиллаштирилди. Муқаммал бошқарув тизими яратилид. Мавзиятимизда иштади.

Бешинчидан, ташкил айни таъсатда ҳам, ични сиёсатда ҳам ўзимизнинг қозғистон-ишига эга бўлди.

Олтинчидан, Ватанимизнинг ишончлилари касбий армиямиз шаклланди. Давлатда хавфсизлик ва шакллантиришади.

Еттингчидан, тархимиз ўзимизга қайтиди.

Саккизнинчидан, тинчликка, баракарорликка эришил, фуқаролараро, этносларро ҳамжихатлика эришилди.

Тўқизинчидан, шаҳарларимиз, қишлоқларимиз ўзгаришади. Шинам, кўркум иншоотлар, бинолар қад ростлаши.

Ўнинчидан, одамларимиз ўзгаришади, уларнинг дунёкараши, тақбаккури ўзгаришади. Шинам, кўркум инш

»» Республика кунига бағишиланды

ЯХШИЛАРНИ АСРАНГ, ЯХШИЛАР!

ЁКИ “ЖАНУБИЙ ҚОЗОҒИСТОН” – ҲАР БИР ХОНАДОНГА!” САЙЁР АНЖУМАНИ СҮЗОҚ ТУМАНИДА ЎТДИ



Ташкирият ташкилотчилигига Түркестон, Кентов шаҳарлари ва Саврон туманидаги ўзбек этномаданият бирлашмалари ҳамда фаол обуначиларимиздан иборат вакиллар Сўзок туманидаги Сўзок қишлоғига йўл одидик.

Ҳазрат Xожа Аҳмад Яссавий мақбараси олдидағи автотуарроҳода тўпланиб, таникли мебел-соз-тадбиркор Уйғун Ибраҳим ўғли барпо этган “ASIA BREND” корхонаси тақдим этган автобусда сафарга отландик. Халқаро



муҳташам “TOPCA” тўйхонасини барпо этган таникли тадбиркор Идирис Жуманазаров, коллеж директори ўринбосари Руслан Отажиевларга таҳририят тавсияси билан Райимжон Кўчкоров раҳбарлик қиласётган “Улес” хайрия жамғармасининг “Онегели азamat” кўкрак нишонини унинг ўринбосари Ҳусан Убайдуллаев гулдурос қарсаклар остида соҳибларига тақдим этди. Идирис Жуманазаров хизмати сафарда эканлиги боис мукофот унинг умр йўлдоши Раушан Байғараева тарғиб этишда кўп хизматларни билан танилган шахс. Улар

ни санъати билан хушнуд этди. 1997 йили барпо этилган машҳур Қорабугра авлиё мақбасини зиёрат этдик. Ўткам овозда Қуръон оятларини тиловат қиласётган олий исломий таълимот соҳиби, муборак ҳаж сафарларини ташкил этишдаги хизматлари билан машҳур Рӯзимат жоҳи Камолов Қорабугра авлиё ҳақидаги маълумотларни батафсил баён этди. У авлиё замондоди Ҳазрат Аҳмад Яссавий билан бирга ислом динини тарғиб этишда кўп хизматларни билан танилган шахс. Улар



саёхлик ва меҳмондустлик университети ректори, олим Алибек Жумабекулининг иммий тадқиқотларида кўркам тоғлари билан машҳур Ачисой худуди истиқболи ҳақида кўп маълумотлар баён этилган. Тоғлар орқали ўтадиган автомобиль йўлини сифатли аспальтланган. Ҳайдовчи Ақром Ержанов моҳирлик билан бошқарган автокўлидка 200 чакирим масофани босиб ўтдик.

Сўзок қишлоғига кираверишда бизни фаол обуначиларимиз, ҳурматли мезбонлар – туман ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Муҳаммаджон Бобоев, А. Навоий номли мактаб директори Нурмуҳаммад Болтабоев ҳамда унинг тарбиявий ишлари бўйича ўринбосари Султонбой Рӯзимотвлар қарши олиши. А. Навоий номли мактаб мажлислар залиди ўтган, Республика куни байрамига багишланган “Жанубий Қозоғистон” – ҳар бир хонадонга!” тадбирни аввалида 6 октябрь куни ўтган АЭС қурилишига оид референдумда фаол иштирок этиб, ёрқин келажак учун овоз берган ҳамюрларни минандорчилик билдирилди. Ушбу референдум АЭСга зарур уран рудаси қазиб олинидаиган Сўзок тумани истиқболи учун улкан аҳамиятга эга.

33 йилдан бўён давлатимизнинг тинчликларварлик сиёсатини она тилимизда тарғиб эттаётган қадрдан нашримизнинг аҳамияти ҳамда адади кўп маротаба ююри “Онгустик Қазақстан”



нашридан ибрат олишимиз даркориги қайд этилди. “Жанубий Қозоғистон” – барчамизга ота-онамиздек мўътабардир. Машҳур қўшиқдаги “Унтума аввало ато-онан ҳолини сўрмокни, жудо бўлгач – ўзинги оқлашга баҳонанг топилмайди”, сатрларини яна бир карра барча мушталиларимиз этибoriga ҳавола килимиз.

Баҳодир Ирисметов раҳбарлик қиласётган вилоят ўзбек этномаданият бирлашмасидан мактаб кутубхонасига ахратилган бадиий китобларни директор Нурмуҳаммад Болтабоев ва кутубхона вакилига топширидик.

Обунада пешқадам Сўзок туманидаги фаол обуначиларимиз – қишлоқ марказидаги

таҳририятнинг кўп йиллик фаол обуначиларига ташаккурномалар ҳам ўз соҳибларига хурмат или тақдим этилди. Мукофотлар муборак бўлсин, қадрли жонкуярлар!

Моҳир сурнайчи Файзулла Мирзахмедов сафар давомида сўзоклик Аваз Азибов, ўрзанлик Раҳматулла Ёқубов (доира) билан мезбон ва меҳмонлар-

надонида ёзилган файзли дастурхона тақлиф қилди. Рӯзмат Камолов мезбонларга самимий миннатдорчиллик билдириб, дую фотиҳа қилди.

Ш. МАДАЛИЕВ.
Тасвирларда: Сўзок сафарида муштарийларимиз даврабисида.

Муаллиф суратга олган.


P.S. Машҳур ҳоғиз Ортиқ Отажонов ҳаётлигига тадбиркор Идирис Жуманазаров барпо этган тўйхонада сўзокликларга ажойиб концерт дастурини, хусусан, “Яхшиларни асрар, яхшилар!” қўшигини ҳам аргумон этган. Дўстлик, потувилик, меҳр-муруеват, меҳнатсеварлик, саимимилик, ота-онага эҳтиром, соғлиқ каби яхшиликларни тарғиб қилиб келаётган яхшилар карвонидаги “Жанубий Қозоғистон” газетасини асрар-авайлаша даъват этиб, барча муштарийларимизга соғлиқ-саломатлик тилаймиз.

»» Байрам тухфаси

КУНДАН КУН ЯХШИ



“Республика куни” байрами арафасида Сайрам туманинг Оқсуқент қишлоғида “AKSU PLAZA” савдо мажмуси фойдаланишга топширилди. Туман марказида жойлашган мазкур иншоот тадбиркор Собир Тўрахонов маблаги эвазига барпо этилди.



З қаватли савдо-хордик марказининг лойиҳа қиммати 2579,0 млн тенге. Мажмунинг очилиш маросимида иштирок этган туман хокими ўринбосари Мадияр Ўразалиев, Оқсуқент қишлоғи ҳокими Мади Нурилаиевлар иншоот аҳолининг севимли масканига айланини таъкидлаб, тадбиркорга миннатдорчиллик билдири.

Замонавий услубда қурилган мажмуга ташриф буюрувчилар озиқ-овқат маҳсулотларидан ташқари кийим-кечак, турли ўй жихозлари, шунингдек, тақинчоқлар харид қилишлари мумкин. Мажмууда 70 иш ўрни мавжуд.

3. МЎМИНЖОНОВ.

ЮРТИМИЗГА АҚРАБ ТАШРИФ БУЮРДИ

Ўзбекча – чайён, форсча – қаждум, ўрисча – скорпион, арабча – ақраб. Муддати 21 октябрдан 18 ноябрғача, 29 кун. Шу муддат орасида тугилганлар бурж ҳисобида АҚРАБДИР.

Минтақамиз иқлим шароитига кўра, бу ой ҳароратнинг бир қадар пасайиши ва ёғингарчиллик билан бошланиб, аста-секин қиши сувуклари билан улашиб кетади. Шунинг учун ҳам дехонлар орасида: “Мезон ўтди, ёмғирдан нам қолди, ақраб кирди, илиқ кунлар кам қолди”, “Кузги донни ақрабагча майсалат”, “Деҳқон бўлсанг, шудор қил”, “Токни ақрабагча кўммасанг, панд ейсан”, дейилган гаплар юради.

Мулоҳаза билан ўйлаб қарасангиз, юқоридаги гапларда анчагина ҳикмат бор. Ақрабагча майсаламай, тупроққа қоришиб, намикаб, тўлишиб турган донер музлаши билан тамом бўлади. Қор ёғиб, ер музлази, қилинган шудор сифатли бўлмайди. Кўмилмай қолган ток навдаларини совуқ уради. Хуллас, АҚРАБДИНГИ турли-туман хатарни жиҳатлари кўп. Шу сабабли бўлса керак: “Хушёр бўл, бекорга чаён демаганлар бўйини”, дёйилган гаплар юради.

Халқ таомилида яна бир гап бор. Баъзи ўйлар бу ходиса жуда сийрлак кузатилса ҳам ақрабда дафъатан чақимоқ қашиб, момақалдирик гулдирайди. Бундай пайтларда: “Қиши бола ташлади”, дейишиди кексалар. Яъни, ақрабда момақалдирик кузатилса, киш қаттиқ келмайди.

Ақрабда оптин кузининг латофатли дамлари кечади. Боглар, шаҳар кўчалари четидаги дарахт япроқлари тилла ранг олади, ҳаво ниҳоятда мусаффо бўлади. Оқар сувлар тагин ҳам тиниқлашади. Бозорлар турли кўкатлар, кузи қовун-тарвуз, кади, картошка, карам, шолғом, нок, узум каби неъматларга тўлади. Инсон меҳнатининг бор самараси, кут-баракаси шундокцина юзага чиқади.

Хайрулла ҚОСИМОВ,

“Фасллар хосияти” китобидан.

МАНЗИЛИМИЗ:

160000, Шимкент шаҳри,

Тауке хан шоҳкӯчаси, 6-уй, 3-қават.

Телефон: 53-07-10. Телепакс: 53-04-66.

Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Нашр кўрсаткичи – 65466.

Адади – 11200 нусха.

Буюртма:

2626.

Навбатчи мухаррир: Малика ЭЛТОЕВА.

Директор – Бош муҳаррир
Райимжон Ортиқбай ўғли
АЛИБОЕВ.

Бош муҳаррир ўринбосарлари:
Муроджон АБУБАКИРОВ.
Авазхон БЎРОНБОЕВ.

Масъул котиба – Шахноза УСМОНОВА.

Масъул шахслар:

Туркестон, Саврон – Шомирза МАДАЛИЕВ. +7701-610-51-22.

Кентов, Сўзок – Рўзиоҳун МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97.

Қазигурт – Қуршина КЎЧҚОРОВ. +7701-447-37-42.

Сайрам – Зокиржон МЎМИНЖОНОВ. +7702-278-96-90.

Тұлқибаш – Мунира САДДУЛЛАЕВА. +7747-144-60-71.

Жетисай, Мақтарапар – Мухтабар УСМОНОВА. +7701-257-36-97.

Келес, Саройгоч – Малика ЭЛТОЕВА. +7702-841-78-22.

Муассис – Туркестон вилояти ўқомлиги.

Мулк эгаси – «Жанубий Қозоғистон» вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририят» масъулити чекланган бирордарлариги.

Газета №Р Маданият ва ахборот рўзигариги томонидан 2020 йил 21 апрелда рўзигарга оптиб, KZ34VPY0022503 гуеҳонма берилган.

«ERNUR-print» МЧБ босмахонасида чоп этиди.

Шимкент шаҳри, Т. Алимгулов кучаси, 22.

Қозоғистон Республикасида тарқатилади.